

МУТАХАССИСЛИК ТЕХНИКАВИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Ниёзова Бибинисо Болтаевна

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот унверситетининг Қарши ирригация
ва агротехнологиялари институти декан ўринбосари

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Таълим мақсади ва ўқув жараёнлари ўзаро бир-бирига мос бўлиши, ҳамда ўқув жараёнида эришиш мумкин бўлган мақсад аниқ тизимли бўлиши лозим эканлиги таҳлил этилган. Ўқитиш технологиясида ўқитувчига маълум бўлган ҳамда шахсий ўқитиш услублари ёрдамида таълим бериш тушунилиши лозим. Ҳар бир педагогга ўқитадиган фани, мутахассислигига хос бўлган ўқитиш услублари ҳосил булади. Бу жараён вақт ўтиши билан ривожланиб бораверади.

Калит сўзлар: Таълим, техник, конструктив, ташкилий, техникавий, ўқитиш технологияси, қизиқиш, технология.

Таълим мақсади деганда ўқувчиларда танланган мутахассислиги бўйича уларда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича махсус тушунчалар бериш, қонун ва қоидаларини ўргатиш ҳисобланади.

Техникавий фанлар қуйидаги билим бериш гуруҳларига бўлинади:

- кўрсатмали-технологик;
- техник-конструктив;
- ташкилий техникавий;

Бу билим бериш гуруҳлари мақсади:

Кўрсатмали технологик таълим жараёнида ўқувчиларга аниқ бир техникавий фан бўйича унинг технологияси, меҳнат турлари, бажариладиган ишлар турлари.

Техник-конструктив таълимда техника конструкцияси тузилиши, қисм ва техника хавфсизлиги.

Ташкилий-техникавий таълимда ишлаб-чиқаришни ташкиллаштириш, иш унумдорлигини ошириш, материал, ишчи қурооллардан рационал фойдаланишлар киради.

Талабаларда техникага қизиқтириш, хавас уйхотиш учун, ўқув жараёнини туғри ташкил қилиш лозим. Агар таълим-тарбия жараёнида таълим бериш

ўқувчи учун бирор шахсий қимматга эга бўлсагина, уларда унга қизиқиш уйғониши ва таълим мақсади шахсинг ўз эҳтиёжига айланиши мумкин.

Ўқувчиларда билим олишга интилиш уйғотиш ўқитувчиларда лозим бўлиши талаб қилинадиган асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ўқувчиларда қизиқиш уйғониши кўрсаткичи муҳим белгисидан бири улар берилган топшириқларни бажаришга қизиқиб киришади, тўлик бажаришга ҳаракат қилишади.

Таълим олиш мақсади аниқ белгиланган бўлмаса ўқувчилар билим олишга қизиқмай қўяди. Бунинг натижасида ўқувчилар ўқишни хоҳламайдилар деган тушунча ҳосил бўлади. Иккинчидан ўқувчиларда билим олишга қизиқиш уйғотиш учун ўқитишнинг илғор педагогик технологияларидан фойдаланиш лозим. Бунда асосан ўқувчиларни дарсга фаол қатнаштириш имконини берадиган педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ўқитувчиларнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозим. Аммо баъзи ҳолларда ўқитиш технологияси билан ўқитишда технология фарқига борилмайди.

Ўқитиш технологияси деганда ўқитувчига маълум бўлган ҳамда шахсий ўқитиш услублари ёрдамида таълим бериш тушунилиши лозим. Ҳар бир педагогда ўқитадиган фани, мутахассислигига хос бўлган ўқитиш услублари ҳосил булади. Бу жараён вақт ўтиши билан ривожланиб бораверади.

Ўқитишда технология деганда ўқитиш давомида ўқитиш техника воситалари, кўрсатмали материаллар, информацион технологияларидан дарс давомида фойдалана оилш тушунилиши лозим. Ўқитиш технологиясига ҳар бир дарсни ташкил қилишдан тортиб охирги натижа олинган билимни баҳолашгача бўладиган жараён киради. Бу занжирни биз билим бериш – тушуниш – фойдалана билиш – анализ ва синтез қилиш – баҳолаш кўринишида тушунишимиз лозим. Аниқ мақсадга эришиш учун эса таълим жараёнида ўқитиш технологияси ва ўқитишда технология бир вақтда фойдаланиш орқали устунликка эришиш мумкин.

Мутахассислик фанини ўқитиш икки хил ташкил қилувчидан техника ва технологиядан ташкил топган.

Техника тузилиши, вазифаси, ишлаш жараёни, техник кўрсаткичлари, техник хавфсизлик.

Технология – ишни ташкил қилувчи объект-ишлатиш режими ва этаплари-объектни ташкил қилувчилар бажарган иш сифати-жараёнини баҳолаш.

Агар бу икки ташкил қилувчи дарс жараёнида қўшиб олиб борилса ўқувчиларда тушуниш даражаси оша боради.

Талабаларни ўзлаштира оладиган билим даражаларига қараб учта категорияга бўлиш мумкин.

- 1) тушуниши қийин бўлган талабалар;
- 2) талабаларнинг 5...7% ни ташкил қилувчи билимни тез ўзлаштира оладиган талабалар.
- 3) Талабаларнинг 90...92% ни ташкил қилувчи ўзлаштира оладиган талабалар.

Талабаларнинг техникавий ва мутахассислик билимларини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ўзлаштириш даражасини яхшилаш учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

- ўқитиш методи ўқув материалларига мос бўлиши;
- ўқитиш методи ўқувчиларда мотив ҳосил қилдириши ҳамда мустақил ишлашга имкон яратиш;
- ўқитиш методи илҳор педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши;
- ўқитиш методи ўқувчилар ёшига, билим даражасига қараб танланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.
2. Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. - [ҳтп://uzbekistonovosi.uz/uz/artisles/index.php?ЭСТИОН_ИД=161&ЭЛЕМЕНТ](http://uzbekistonovosi.uz/uz/artisles/index.php?ЭСТИОН_ИД=161&ЭЛЕМЕНТ) (Манбага 24.09.2020 да мурожаат этилган).
3. У.А.Махмонов. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш технологияси. “Замонавий таълимда педагогика ва психология фанлари” номли электрон журнал. №1-сон, 2021 йил.
4. Н.Х.Авлиякулов, Н.Н.Мусаева. Педагогик технология. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент, Чўлпон НМИУ, 2012. -208 б.
5. З.Исҳоқова. Мустақил иш қандай ёзилади: “Фалсафа” фани бўйича мустақил таълим учун ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, “Янги нашр”, 2014.-64 б.